

ЖАҲОН АВТОМОБИЛСОЗЛИГИНИНГ ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА РИВОЖЛАНИШ ДИНАМИКАСИ

Умаров Отабек Мухамадалиевич,
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси
E-mail: nodir6454@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада жаҳон молиявий иқтисодий инқирозидан кейинги даврда дунёда автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳамда бозорларда сотувлари таҳлили натижалари ёритилган. Жаҳон мамлакатлари ва минтақари бўйича асосий ўзгаришлар аниқланган.

Аннотация: В статье освещены результаты анализа объёмов производства и продаж в мире автомобилей в период после мирового финансово-экономического кризиса. Выявлены основные тенденции в страновом и континентальном разрезах.

Abstract: The article highlights the analysis of the volume of production and sales in the world of cars in the period after the global financial and economic crisis. The main trends in the country and continental sections are revealed.

Калим сўзлар: автомобилсозлик саноати, ишлаб чиқариш, молиявий-иқтисодий инқироз, автомобиль бозори.

Жаҳонда автомобилсозлик саноати ҳозирги даврда жадал ривожланаётган ва тез ўзгараётган муҳим тармоқдир. Саноат бир бутун тарзда ишлаб чиқарувчилар ва альянслардан ташкил топган, булар биргаликда саноат иқтисодиётининг асосий таянчлари ҳисобланади.

Жаҳонда автомобиль саноати юқори суръатлар билан ривожланаётган тармоқдир. Бироқ, жаҳон молиявий иқтисодий инқирози унинг иштирокчилари ишлаб чиқариши ва бозори ривожланишига маълум даражада ўз таъсирини кўрсатди. Қуйида бу соҳадаги ўзгаришлар кўриб чиқилган.

Бутун жаҳон бўйича 2008 йилда 70,8 млн. автомобиль ишлаб чиқарилган бўлса, 2016 йилда ушбу рақам 95,0 млн. донага етган, яъни охириги 9 йил давомида автомобиль ишлаб чиқариш 34,20 фоизга ошган (1-жадвал).

Бироқ бу тенденция барча жаҳон минтақаларига хос эмас.

Осиё ва Тинч океани минтақасида жаҳон молиявий иқтисодий инқирозига қарамай, автомобилсозлик ўз кўрсаткичларини пасайтирмаган ва натижада 2016 йилда 2008 йилга нисбатан ишлаб чиқарилган автомобиллар сони 63,52 фоизга ошиб, 51,5 млн. донани ташкил этган.

Ушбу даврда Европада тескари тенденция кузатилган: жаҳон молиявий иқтисодий инқирози салбий таъсири натижасида 2009 йилда автомобиль ишлаб чиқариш даражаси пасайган, 2010 йилдан кейинги даврда ишлаб чиқариш даражаси ўсган бўлсада, 2016 йилгача инқироз олди ишлаб чиқариш даражаси тўла тикланмаган. Пировардида Европада 2016 йилда 2008 йилга нисбатан ишлаб чиқарилган автомобиллар сони 0,36 фоизга камайиб, 21,7 млн. донани ташкил этган.

Америка ва Африка минтақаларида кўриб чиқиладиган даврда автомобиль ишлаб чиқариш ортган: ўсиш суръати мос равишда 23,50 ва 53,92 фоизни ташкил

ЭТГАН.

1-жадвал


Жаҳонда ишлаб чиқарилган автомобиллар сони динамикаси, минг дона

Минтақа	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2016/ 2008 қўшимча ўсиш суръати, фоизда
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Европа	21778	17056	19823	21118	19826	19825	20430	21167	21700	-0,36
Шимолий ва Жанубий Америка	16886	12562	16641	17794	20086	21081	21222	20963	20854	+23,50
Осиё ва Тинч океани	31507	31760	40901	40576	43722	45779	47405	47879	51521	+63,52
Африка	586	413	493	557	586	626	720	835	902	+53,92
Жами	70757	61791	77858	80045	84220	87311	89776	90844	94977	+34,20

Манба: Автомобиль ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро ташкилоти (OICA – Organisation Internationale des Constructeurs d'Automobiles) маълумотлари асосида тузилган (www.oica.net).

2016 йилда автомобиль ишлаб чиқариш бўйича Хитой (28,1 млн. дона), АҚШ (12,2 млн. дона) ва Япония (9,2 млн. дона) жаҳон лидерлари ҳисобланган[1]

Жаҳон молиявий иқтисодий инқироzi жаҳон автомобиль сотувиға ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатган. Бироқ, 2008-2009 йилларда рўй берган автомобиль сотуви ҳажми камайишиға қарамай, жаҳон бўйича янги автомобиль сотуви ҳажми 2010 йилдан кейин ўса бошлаб, 2016 йилда 93,9 млн. донаға етган ва 2008 йилға нисбатан 37,4 фоизға ошган (1-расм).




1-расм. Жаҳон минтақалари бўйича автомобиль сотуви ҳажми динамикаси, минг дона

Манба: Автомобиль ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро ташкилоти (OICA – Organisation Internationale des Constructeurs d'Automobiles) маълумотлари асосида тузилган (www.oica.net).

2005 йилда Осиё ва Тинч океани минтақасига нисбатан Европада автомобилсозлик саноатида сотув ҳажми юқорироқ бўлган, лекин, 1-расм маълумотларига асосланиб айтиш мумкинки, 2008 йилдан кейин Осиё ва Тинч океани минтақасидаги ўзгариш сезиларли бўлиб, Европада нисбатан анча олдинга ўтиб кетган. Шимолий ва Жанубий Америка минтақасида автомобиль бозори ҳажми охириги тўрт йил давомида кескин ўзгармаётган бўлса, Африкада ривожланиш тенденцияси сусайиши кузатилган.

2016 йилда жаҳон автомобиль сотувининг 29,9 фоизи (28028175 та автомобиль) Хитойга тўғри келган (2-расм).



2-расм. 2016 йилда энг йирик 6та автомобиль бозорларида сотувлар ҳажми, дон

Манба: Автомобиль ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро ташкилоти (OICA – Organisation Internationale des Constructeurs d'Automobiles) маълумотлари асосида тузилган (www.oica.net).

Хитой автомобиль бозори сўнгги йилларда энг жадал суръатларда ривожланаётган саналади. Хитой автомобилларига бўлган талабнинг ўртача йиллик ўсиши сўнгги ўн йилликда 11-13 фоизни ташкил этган. Бундан кўринадикки, Хитой автомобиль саноати жаҳон автомобиль тармоғида ўз ўрнини янада мустаҳкамлаш учун етарлича имконият ва салоҳиятга эга ва келгусида унинг мавқеи янада ошишини кутиш мумкин.

Мустаҳкам иккинчи ўринни 19,0 фоиз (17865773та автомобиль) сотуви билан АҚШ эгаллаган. Умумжаҳон сотувлар 5,3 фоизи (4970260та автомобиль) Японияга тўғри келган. Қолган 3та ўринни жаҳон лидерлари орасида Германия, Ҳиндистон ва Буюк Британия мамлакатлари эгаллашган. Автомобиль умумжаҳон сотувининг 11,2 фоизи ушбу 3та мамлакатга тўғри келган.

Автомобиль сотуви бўйича Европа мамлакатлари орасида Россияни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Россияда 2012 йилда 3,1 млн. дон автомобиль сотилган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 1,4 млн. донани ташкил этиб, 55,3 фоизга камайган (2-жадвал).

2-жадвал

Европа мамлакатлари бўйича автомобиль сотуви ҳажми динамикаси,
минг дона

Мамлакат	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Германия	3425	4049	3198	3508	3394	3258	3357	3540	3709
Буюк Британия	2485	2223	2294	2249	2334	2596	2843	3061	3124
Франция	2615	2719	2709	2687	2332	2208	2211	2345	2479
Италия	2422	2357	2164	1943	1546	1421	1493	1726	2050
Россия	3222	1597	2107	2902	3142	2999	2592	1441	1404
Испания	1363	1074	1114	931	791	823	1030	1277	1347
Туркия	494	557	761	864	818	893	807	1011	1008
Бельгия	613	536	607	644	551	547	545	572	618
Польша	398	322	367	339	330	353	392	432	505
Нидерландия	604	452	542	628	572	481	450	521	469
Швеция	301	248	334	359	326	313	352	397	432
Австрия	336	350	363	397	375	358	342	350	375
Швейцария	321	295	325	355	366	344	338	363	356
Бошқа мамлакатлар	3273	1866	1924	1934	1786	1749	1836	2000	2259
Жами	21872	18645	18809	19740	18663	18343	18588	19036	20135


Манба: Автомобиль ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро ташкилоти (OICA – Organisation Internationale des Constructeurs d'Automobiles) маълумотлари асосида тузилган (www.oica.net).

Йирик Европа мамлакатлари (Франция, Италия, Испания, Нидерландия)да 2008-2016 йиллар даврида автомобиль сотуви ҳажми камайган. Европа мамлакатлари ичида автомобиль бозори кўрсаткичларининг пасайиш тенденцияси билан бирга ўсиш динамикасига эга мамлакатлар ҳам мавжуд. Масалан, 2016 йилда 2008 йилга нисбатан Германия (8,29%), Буюк Британия (25,7%), Бельгия (0,8%), Польша (26,9%), Швеция (43,5%), Австрия (11,6%), Швейцария (10,9%) ўсиш суръатлари сезиларли даражада эканлиги кўзга ташланади. Ушбу даврда Европа мамлакатлари ичида энг юқори сотув кўшимча ўсиш суръати (104,0%) Туркияда эришилган.

Европадаги автомобиллар сотуви ҳажмини таҳлил қилишда 2016 йилга эътиборни қаратиш лозим. 2016 йилда 2015 йилга нисбатан энг юқори ўсиш Италияда (18,80%), Польшада (16,90%), Швецияда (8,82%), Бельгияда (8,04%), Австрияда (7,14%), Испанияда (5,48%), Францияда (5,70%) ва Германияда (4,77%) кузатилган. Бутун Европа бўйича автомобиллар сотуви ҳажми ушбу даврда 5,77 фоизга ошган. Европада автомобиллар сотувидаги ҳолат яхшиланишининг асосий омили автомобилларга бўлган ички талаб ошишига бевосита таъсир қилган макроиқтисодий шароитлар яхшиланиши ҳисобланади.

Маркалари бўйича жаҳонда 2016 йилда энг кўп миқдорда сотилган автомобиллар 3-расмда акс эттирилган. Расмдан кўриниб турибдики, биринчи тўртта ўринни сезиларли ҳажмда Toyota Corolla (1,316 млн. дона), Ford F-Series

(0, 994 млн. дона), Volkswagen Golf (0,991 млн. дона), Hyundai Elantra (0,788 млн. дона) автомобиллари эгаллаган.



3-расм. Жаҳонда маркалари бўйича энг кўп сотилган автомобиллар, дона
Манба: focus2move.com сайти маълумотлари асосида тузилган.

Автомобиль ишлаб чиқариш бозорида Volkswagen, Toyota концернлари ва Renault-Nissan альянси асосий иштирокчилар ҳисобланади. 2016 йил натижалари бўйича ушбу энг йирик жаҳон автоконцернлари биринчи учта ўринни ўзаро бўлиб олишган¹.

Volkswagen компанияси 2016 йилда 10,102 млн. автомобиль сотиб, 2015 йилга нисбатан сотувини 1,4 фоизга оширган ва жаҳон автобозорида лидерликни эгаллаб олган.

Toyota компанияси 2016 йилда 9,947 млн. дона автомобиль сотиб, иккинчи ўринни эгаллаган.

Renault-Nissan стратегик шерикчилик альянси 1999 йил 27 мартда Франциянинг Renault ва Япониянинг Nissan компаниялари орасида ташкил этилган. 2016 йилда бу альянс 8,513 млн. дона автомобиль сотиб, учинчи ўринга чиқиб олган.

Европада шаклланиб улгурган ва ҳозирги кунда ўзига хос тарзда ривожланиб бораётган автомобиль бозори жуда юқори рақобат муҳитини ярата олди. Инқироздан кейинги 2009-2010 йиллар давомида ўзгариш тенденцияси Fiat (18,6%), Ford (13,3%), Volkswagen (6,4%), Opel/Vauxhall (5,6%), Citroen (3,6%) автомобиль ишлаб чиқарувчи компанияларнинг маркалари учун бўлган талаб пасайиши кузатилган. Аксинча BMW, Renault, Audi, Peugeot ва Mercedes каби маркаларга бўлган талаб даражаси нисбатан катта улушда ривожланган. BMWнинг автомобиль бозоридаги сотув ҳажми қолган маркаларга нисбатан энг юқори кўрсаткични кўрсатган. 2016 йилда кузатилган ўзгаришларни 3-жадвалда кўриш мумкин.

¹ Автомобиль ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро ташкилоти (OICA – Organisation Internationale des Constructeurs d'Automobiles) маълумотлари асосида тузилган.

3-жадвал

Европада энг оммавий автомобиль брендлари ўсиш суръати

Ишлаб чиқарувчи	2015	2016	2016/2015 ўзгариш, фоизда
1	2	3	4
Volkswagen	1723262	1714646	-0,5
Renault	975554	1101400	+12,9
Ford	1040507	1056115	+1,5
Opel/Vauxhall	939500	991172	+5,5
Peugeot	856010	865426	+1,1
Mercedes-Benz	742035	845178	+13,9
Audi	766726	830364	+8,3
BMW	746592	820505	+9,9
Fiat	647197	731980	+13,1
Skoda	618329	663467	+7,3

Манба: www.zr.ru сайти маълумотлари асосида тузилган

Ушбу йилда фақат Volkswagen бренди ўсишга эриша олмаган. Қолган 9та бренд бўйича сотувлар ўсиши кузатилган. Европада изидан борувчи “Renault”дан сезиларли ошиб ўтиб, энг оммавий бренд Volkswagen бўлган.

Шундай қилиб, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирозидан кейинги даврда жаҳон автомобилсозлик соҳаси ривожланишидаги ўзгаришларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

- автомобиллар ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари юқорилиги;
- жаҳон минтақалари бўйича автомобиллар ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари нотекислиги: Америкага нисбатан Осиё ва Тинч океани ҳамда Африка минтақаларида ўсиш суръатлари юқорироқлиги; Европада ўсиш деярли йўқлиги;
- Хитой жаҳонда автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати бўйича мустаҳкам етакчи ўринни эгаллаши;
- бутун жаҳонда автомобиллар сотуви ҳажми аҳамиятли ўсиши;
- Европада автомобиллар сотуви ҳажми пасайиши, бироқ 2016 йилда автомобилларга бўлган ички талаб ошишига бевосита таъсир қилган макроиктисодий шароитлар яхшиланиши ҳисобига ушбу ҳолат ростланиши;
- Осиё ва Тинч океани минтақасида автомобиль бозори жадал ривожланиши, Шимолий ва Жанубий Америка минтақасида автомобиль бозори ҳажми охириги тўрт йил давомида кескин ўзгармаётганлиги, Африкада ривожланиш тенденцияси сусайиши;
- Хитой жаҳонда автомобиллар ишлаб чиқариши каби улар сотуви ҳажми ва ўсиш суръати бўйича мустаҳкам етакчи ўринни эгаллаши;
- Россияда автомобиллар сотуви кескин камайиши;
- автомобиль бозорида Volkswagen, Toyota концернлари ва Renault-Nissan альянси 2016 йилда энг йирик жаҳон автоконцернлари ҳисобланиши;
- Европада 2016 йилда Volkswagen бренди ўсишга эриша олмаган бўлсада, энг оммавий бренд ҳисобланиши.